



**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ФИЗИКА
ФАНИ ОПТИКА БЎЛИМИГА ДОИР НОСТАНДАРТ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ
УЧУН ЗАРУР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Абдуқодиров Жасур Баҳтиёр ўғли

Термиз давлат университети академик литесиий

“Аниқ фанлар кафедраси” катта ўқитувчиси

g-mail: abduqodirovjasurbek2@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида физика фани Оптика бўлимига доир ностандарт масалаларни ечишга қаратилган методик инновацияларнинг ўқувчида ижодий фикр яратишга қаратилган. Умумий ўрта таълим мактабларининг давлат таълим стандарти малака талабларига жавоб берадиган, тизимли.

Калит сўзлар: инновация, Давлат таълим стандарти, малака талаблари, оптика, ностандарт масалаларнинг таълим.

Ижодий қобилиятнинг муҳим компоненти ҳисобланган натижаларни кўра олиш ва башорат қилиш маҳорати ҳақида сўз юритар эканмиз, мутахассислар томонидан ушбу маҳоратни шакллантириш бўйича вазифалар учта муҳим йўналишда олиб борилиши лозимлиги таъкидланганлигини айтиб ўтмоқчимиз [1,11-бет]. Аввало, таълим жараёнларидағи “кўра олиш” ҳодисасининг мутахассислар томонидан таклиф этилган талқинлардан келиб чиқиб, унинг қисқача таърифини келтириб ўтиш билан чекланамиз. Яъни кўра билиш – бу бирор натижанинг келиб чиқиши ёки келиб чиқиши эҳтимолини ҳисобга олишdir [2, 7-бет]. Ўқувчи муайян ўқув вазифасини бажаришга киришар экан, олдинга қарашга, ечимнинг қиймати (ёки шакли) ҳақида тасаввур қилишга уринади. Ҳатто мазкур ўқувчи тасаввур қилишга ҳаракат қилган мазкур ечим ноаниқ ёки нотўғри бўлиши мумкин, аммо ўқитувчи энг аввало, ўқувчидағи кўра билишнинг намоён бўла бошлаганига кўпроқ эътибор қаратиши муҳимдир [3,83-бет].

Натижаларни кўра билишнинг аниқ ва равшан бўлиши, бинобарин, ечим қиймати (ёки шакли) тўғри бўлишига эришиш учун субъект қатор сифатларга эга бўлиши талаб этилади. Бу сифатларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- объектга доир назарий материаллар билан ишлай билиш;
- уз фоалиятининг алоҳида жиҳатларини экстраполяция қилиш (яъни бутун жараёнга татбиқ эта олиш);
- абстракт хотирадан фойдалана олиш [4,17-бет].

Биз ўқувчида мазкур сифатларнинг шаклланиш усулларига батафсил тўхталамиз, негаки, физика (оптика бўлими) бўйича ностандарт масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган ижодий қобилиятнинг учинчи компоненти шаклланиши учун ушбу таълимий сифатларга эга бўлиш муҳим ҳисобланади. Ўқувчи физика (оптика бўлими)



бўйича ностандарт масалаларни ечиш жараёнида натижани кўра билишга, ечимни башорат қилишга ҳаракат қиласи. Бунда у назарияга асосланган, назарий қоидалардан иборат билимларига мурожаат қиласи ва юқорида тадқиқ этганимиз таҳлил ва умумлаштириш маҳоратларини намоён қилиб, ўзи ўзлаштирган назарий билимларнинг ностандарт масала шартларига нисбатини аниқлашга ҳаракат қиласи. Шу ўринда ўқувчи назария билан ишлаш билан бир қаторда назария устида ишлашга ҳам зарурат сезади. Назария билан ишлаш – ўзида мавжуд билим, ахборот, маълумот шаклидаги потенциални таҳлил этиш, қисқа вақт кесими ичидаги түғри йўналиш топиш ва мавжуд потенциални амалий вазиятларда қўллай билиш демакдир [5, 41-бет].

Мазкур жараён ўқувчида қатор кўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун замин ҳозирланишини таъминлайди. Жумладан:

- керакли ўқув материалини топиш учун адабиётлар билан ишлаш;
- ўқув материали матнининг мазмуний йўналишини түғри белгилай олиш;
- ўқув материалларини аҳамиятлилик даражасига қараб таснифлай олиш;
- ностандарт масаланинг ечимида яқин ахборотлар топа билиш ва шу кабилар [6, 28-бет].

Ўқувчида назария билан ишлаш кўникмасининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун зарур бўладиган мезонлар тизими қўйидаги кўринишда бўлиши тавсия этилади:

- ностандарт масалани ҳал этишда фойдаланилган назарий манбалар;
- ностандарт масалани ҳал этишда қўлланилган воситалар (намуна сифатидаги масалалар, тушунчалар, мавзуга оид қонунлар, ахборот, маълумотлар, АТК, мультимедиа воситалари) орасида назарий материалларнинг салмоғи;
- аҳамият даражасига қараб таснифланган назарий материалларнинг ҳал этилиши талаб этилган ўқув вазифасига (бизнинг тадқиқотларда – ностандарт масала ечимида) мазмунан яқинлиги [5, 81-бет].

Ижодий қобилиятнинг учинчи компоненти ҳисобланган натижаларни кўра билиш ва башорат қилиш қобилиятининг шаклланиши учун ўқувчида ўз фаолиятининг хусусий жиҳатларини экстраполяция қилиш (объектни ўрганишнинг бутун жараёнига татбиқ этиш) сифатининг шаклланиши ҳам муҳим шартлардан бири эканлигини юқоридаги мулоҳазаларимизда айтиб ўтган эдик. Ўқувчида бу сифатни шакллантириш муайян бир фаолият турида олинган натижалар ҳамда хулосаларнинг унинг бутун ижодий фаолиятига яхлит ҳолда татбиқ этишни назарда тутади.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчига битта масалани бир неча хил усулда ечишни ёки бир ҳаракат орқали ҳал этиладиган масалани бир неча турдаги ҳаракатларни амалга ошириш орқали ечишни ҳам топшириши мумкин. Айтиш керакки, абстракт хотира – моҳияттан шахсга хос индивидуал сифат, бинобарин, ностандарт масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган абстракт хотирани шакллантириш учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашувни амалга оширмоғи лозим бўлади.

Демак, ўқувчиларда ижодий қобилият, мустақил фикрлаш каби кўникма ва қобилиятларни шакллантириш ҳамда уларда қизиқиши ва унинг натижасида мотивация



ҳосил қилиш орқали физика (оптика бўлими) бўйича ностандарт масалаларни ечиш методикасини такомиллаштириш мумкинлиги бизнинг тадқиқотларимизнинг биринчи бобида келтирилган мулоҳазаларда ўз исботини топди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Менчинская Н. А. Проблемы умения и умственного развития школьника // Избранные психологические труды. — М.: Педагогика, 1989.
2. Моляко В. А. Психология решения школьниками творческих задач. — Киев, 1983.
3. Лернер И. Я. Развитие мышления учащихся в процессе обучения истории. — М.: Просвещение,
4. Платонов К. К. Структура и развитие личности / Отв. ред. А. Д. Глотовкин. — М.: Наука, 1986.
5. Поспелов Н. Н., Поспелов И. Н. Формирование мыслительных операций у старшеклассников.— М.: Педагогика, 1989.